

"So'z ayladi insonni judo hayvondin..."

Бегона тилни миллий ўзликдан бегоналашиб, ўзликни бой бериб эмас, балки ўзликда собитлашиб, миллий менталликда туреумлашиб ўрганиш ақлнинг иши эканлигини унутмаслик лозим. Бунинг мутлақ бирламчи, фавқуллодда муштаҳкам амали она тили туйғуси, она сўз сезгисининг соғломлиги ва баловатидир. Ана шундай соғломлик ва баловат ҳар қандай она тили илми ва таълимининг мунтазам мақсаду муддаоси бўлмоғи керак.

Низомиддин МАХМУДОВ,

**Ўзбекистон ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори,
филология фанлари доктори, профессор**

«СЎЗ АЙЛАДИ ИНСОННИ ЖУДО ҲАЙВОНДИН...»

Қадим ўзбек тилининг қиёссиз зангирилиги ва рангиюлигини иддаосиз кўрсата билган, унинг адабийлик ўзантиридаги ҳаракати интизомга мунтазамлик ва мукамаллик бахш этмоқдан ҳақли равишда ҳузурланган беназир сўз сиёҳиси Алишер Навоийнинг "Сўз айлади инсонни жудо ҳайвондин, Билки, суҳари шарифроқ йўқ ондин" деган ҳикматида тил эҳтиёжи ва мавжудлигининг залвори ва зарурияти мутлақо бетакрор бир тарзда ўз тажассумини топган. Айни шу тил деган муҳташам ва муқаррар ўлчовга кўра ер юзидаги бутун махлуқот – яратик жонивотлар тамоман фарқли инки улкан синфга ажралади, бани башарнинг том тамалини тил ташкил қилади.

Шунинг учун ҳам неча минг йиллардирким, одам боласи ўзига муўтабар инсонлик рутбасини ато этган бу синоатнинг маъзани чаккиш пайида минг битта кўчага кириб чиқади, излайди, изланади, аммо ҳали-ҳамон бу тилсизмат бағридаги моҳият одам ақлига бўй бермайди. Энг қадимги даврлардан бошлаб дунёнинг тур-

ли нуҷмоқларида тил ва унга даҳлдор ҳодисаларни турли даражаларда ўрганишга ҳаракат қилинган, аммо қаерларда нисалардир илганган, қаерларда нисалардир инсон ақлига сиғмаган. Масалан, қадимги миерликларнинг тил ҳақидаги тасавурларини тадриқ этган Н.С.Петровскийнинг қайд этишича, эраминдан олдинги инкинчи минг йилликларнинг ўрталарида миерликлар тушунчасига кўра, "гапирмоқ" маъносидagi нутқ феъли фақат уларнинг тилида мавжуд бўлган, ўзга мамлакатлардаги бошқа тил эгалари эса "гапирмаганлар", балки "гўлдираганлар". Қадимги миерликларнинг англашларича, бу уларнинг оғзида тилнинг нотўғри жойлашганлиги билан боғлиқ бўлган. Миерликлар нутқни бевосита тил (орган) юзига келтиради деб ҳисоблаганлар ва бошқа бир тилни ўрганиш учун шунчаки оғзидаги тилнинг ҳолатини ўзгартириш, яъни аксинча ҳолатга келтириш кераклигига ишонганлар. Кўриниб турганидай, бу гариб ва гаройиб тасавурот маҳсулидан бошқа нарса эмас.



